


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 30 июль, № 154 (7384) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Минск шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Президентлар Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ва Беларусь юқори технологиялар парки билан танишадилар.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти имзоланиши ҳамда Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклигини, жумладан, инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга мустаҳкам асос яратадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

**ЎзА.**

Ўзбекистон – Беларусь:

## ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан Беларусь Республикасида бўлади.*



Мазкур ташриф давлатимиз томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлар билан мулоқот ҳамда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишнинг мантиқий давомига айланади.

Ўзбек ва беларусь халқлари ўртасидаги дўстлик вақт синовидан ўтди ҳамда замонавий босқичда икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар суръатини босқичма-босқич кучайтириб бориш учун пухта асос яратди.

Бугун томонлар халқаро кун тартибидаги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги кўплаб долзарб масалалар бўйича ўхшаш позицияларга эга. Парламентлараро ҳамкорлик фаол ривожланяпти, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги аниқ лойиҳалар бўйича икки томонлама муносабатлар кенгаймоқда. Юксак ва юқори даражадаги алоқалар суръати ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳамкорларнинг анъанавий дўстлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва бунинг учун мавжуд салоҳиятни тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган қатъий интилишлари буни тасдиқлайди.

Хусусан, 2018 йил 12 — 14 сентябрь кунлари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзаро шерикликнинг янги босқичини бошлаб, уни барча йўналишда янада ривожлантириш учун кучли туртки берган муҳим қадамга айланди.

Зеро, унинг якунида икки давлат раҳбарлари томонидан 19 та ҳужжат, қиймати қарийб 260 млн. долларлик 90 дан ортиқ савдо битимлари имзоланди.

Кейинги икки йилда Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигидаги парламент делегацияси, Бош вазир ўринбосари А. Султонов раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси, Савдо-саноат палатаси раиси, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Беларусга амалга оширган ташрифлари конструктив мулоқотни равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз навбатида, Беларусь Миллий мажлиси Республика Кенгаши Раиси ўринбосари М. Шеткина раҳбарлигидаги делегация ва бошқалар мамлакатимизга келди.

Савдо-иқтисодий жабҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик фаоллашгани кузатилди. Бугун Беларусь Ўзбекистоннинг МДҲ маконидаги муҳим ташқи савдо шериги ҳисобланади.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

*Минск, 29 июль. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий ташрифи арафасида Минск шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь ҳудудлараро форуми бошланди. Унда икки мамлакат ҳудудлари вакиллари қаторида парламентлар аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ишбилармонлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини кенгайтиришда муҳим мулоқот майдони, деб баҳоланаётган ушбу форумда етакчи тармоқлар ва ҳудудлар вакилларини бир даврага жамлаш, шу тариқа қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш амалиётини кенгайтириш, умуман, ҳар бир манфаатли соҳада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Форумнинг дастлабки куни сессия йиғилишлари шаклида ўтди.

Саноат кооперацияси масалаларига бағишланган биринчи сессияда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, электротехника, фармацевтика каби соҳаларда шериклик алоқаларини кенгайтириш хусусида сўз борди.

➡ 2

# ЭНГ БИЛИМДОНЛАР ТАЛАБАГА АЙЛАНАДИ

**Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест имтиҳонлари бошланди.**



**«Абитуриент — 2019»**

Жорий йилдан амалдаги тартиб ўзгарган ҳолда, имтиҳонлар июль-август ойларида ўтказилмоқда. Тест синовлари аввалги йилги тажрибадан келиб чиқиб, катта сиғимли, замонавий ёритқичлар ва кузатув камералари билан жиҳозланган бино ҳамда иншоотларда ташкил этилаётир.

Очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш учун имтиҳон топшираётган йигит-қизларни уларнинг ота-оналари, яқинлари ҳамда кенг жамоатчилик катта мониторлар, шунингдек, интернетдаги www.test2019.uz сайти орқали бевосита кузатиб боряпти.

Тест синовлари ўтказиладиган биноларга бориш йўналишларида йўл кўрсаткичлари ўрнатилган. Абитуриентларнинг ҳудуд ташқариси ва ичкарисидаги тўпланиш манзилларида соя-салқин жойлар — махсус соябонлар, “микроклимат” тизими яратилган.

Йўловчи ташувчи транспортларнинг ўз вақтида ва узлуксиз қатнови таъминланмоқда. Тест синовлари ўтказиладиган ҳудудларда тиббий навбатчилик йўлга қўйилган.

Президентимизнинг шу йил 17 июндаги қарорига мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тасдиқланган. Чунончи, ушбу ҳужжатга кўра, жорий ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълим шаклига 80 430 нафар, сиртқи таълим шаклига 19 985 нафар, кечки таълим шаклига 1 985 нафар талаба қабул қилинади.

➡ 3

Forbes:

## «Ўзбекистон ўзининг тарихдаги муносиб ўрнини қайтадан эгалламоқда»

*Американинг “Forbes” журнали сайтида “Ўзбекистон делегацияси АҚШга ташриф буюрди. Делегация аъзолари мамлакат кўп йиллик ёпиқликдан сўнг тадбиркорлик учун очилганини айтишмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

Унда 2019 йил 16 — 23 июль кунлари Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегацияси ва ишбилармон доиралари вакиллари АҚШда бўлгани, Вашингтон шаҳрида сиёсий маслаҳатлашувлар, сўнгра Нью-Йорк шаҳрида тадбиркорлик йўналиши билан боғлиқ тадбирлар бўлиб ўтгани хабар қилинган.



Forbes Billionaires Innovation Leadership Money Consumer Industry Lifestyle

Uzbeks Visit The U.S. To Say They Are Open For Business After Years Of Isolation

Melik Kaylan Contributor

Policy

I cover conflicts, frontiers and upheavals mired in history.

This last week a numerous delegation of top-level officials and business folk from Uzbekistan paid a first-ever such visit to the US, initially to Washington DC for policy consultations then to New York for days-long conferences. The one I attended in Manhattan, geared to capital markets, was a real eye-opener, genuinely even surprisingly impressive. One watched in something like awe as frank, detailed, convincingly documented presentations (in English) about capital investment opportunities followed one another. By

Муаллиф Мелик Кайлан Манхэттенда (Нью-Йорк) “Ўзбекистон капитал бозори имкониятлари” мавзуида ташкил этилган инвестициявий форумда қатнашиб, тадбирда Ўзбекистон томонидан мамлакатга сармоялар киритиш имкониятлари ҳақида пухта ва чуқур ўйланган ҳолда тайёрланган тақдимотлар ўтказилганини таъкидлаган.

Материал муаллифи қайд этишича, Американинг етакчи бизнес доиралари вакиллари Ўзбекистон делегациясини катта қизиқиш ва олқишлар билан қарши олган, жиддий, самарали ва амалий натижаларга эришишга қаратилган ҳамкорликка тайёрлигини билдирган. Мелик Кайлан тадбир давомида икки мамлакат тадбиркорларининг самимий ва ишончли муносабатларини сезмаслик ва кўрмасликнинг иложи йўқ эди, деб ёзади.

Мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев — ислоҳотчи, ўз мамлакати “иқтисодий тақдири”ни яхшилаш бўйича аниқ ва тушунарли стратегияга эга шахс экани алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон раҳбари қисқа муддатда мамлакат келажагини яхши томонга ўзгартиришга эришди — маҳбусларни озодликка чиқарди, мамлакатда хорижий ОАВ фаолият юритишига рухсат берди, республикани ташқи савдо ва инвестициялар учун очди. Мамлакат раҳбарияти юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Президенти хорижда таълим олган ёш мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига тайинлади, мамлакатда коррупцияга қарши фаол кураш олиб бормоқда.

➡ 3

**Эксклюзив интервью**

Ўзбекистоннинг Покистондаги элчиси:

## «Юртимиз неъматларига Жанубий Осиё бозорларида талаб юқори»



*Мамлакатимизнинг фаол ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни йўлга қўймоқда. Жумладан, мазкур жараёнда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суръат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фурқат СИДИҚОВ ана шундай мустаҳкам ҳамкорлик ҳамда алоқаларимизнинг истиқболлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ташқи иқтисодий фаолият учун барча зарур имконият ва захиралар яратиляпти. Натижада Покистондаги салоҳиятли импортчилар билан кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатларнинг янги даври бошланди, десак, муболаға бўлмайди. Мисол учун, 2018 йилдан икки мамлакат ўртасида фаол бизнес алоқаларининг янада кенгайиши ва ўзаро манфаатли тижорий операциялар салмоғи ортиши босқичи кузатилмоқда.

➡ 3




## Сирдарё давлатлараро туташув пункти

**Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланишида қўл келади**

*Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан дўстона алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугун эса бундай ҳамкорлик риштаалари Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мустаҳкамланмоқда. Муносабатлар самараси савдо-иқтисодий, ижтимоий, транспорт соҳасида, логистика тармоқларида тобора кўзга яққол ташланаётир. Мисол учун, айни пайтда темир йўл тизимида Афғонистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистон давлатлари билан жами 20 та коридордан фойдаланиляпти.*

**Ҳамкорлик**

Биргина Қозоғистон Республикасини оладиган бўлсак, айни кунгача Келес ҳамда Қорақалпоғистон давлатлараро туташув пунктлари орқали юклар расмийлаштирилиб, поездлар қатнови амалга оширилаётган эди. Куни кеча Сирдарё вилоятида иш бошлаган Сирдарё давлатлараро туташув пункти эса бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Унинг очилиш маросими тантанали тус олди. Тадбирда икки давлат темир йўл тизими мутасаддилари, юк ташишга масъул вакиллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

➡ 2

## Ўзбекистон – Беларусь:

# ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

1

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик 1993 йил 21 январдаги "Савдо муносабатлари тўғрисида"ги ва 1994 йил 22 декабрдаги "Икки марта солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулкка нисбатан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида"ги ҳукуматлараро битимлар билан тартибга солиб келинмоқда. Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қиляпти.

Икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида Ўзбекистон ва Беларусь иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирувчи тузилмага эга эканлиги кўп бор таъкидланди. Бинобарин, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айни чоғда ҳар икки тараф ҳам ҳали ишга солинмаган бой салоҳият мавжудлиги, ундан фойдаланиш эса икки томонлама товар айланмаси ҳажмини ошириш имкониятини беришини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь, жумладан, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат тармоқлари, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан ўзаро фойдали инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бераётир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Беларусь томони иштирокида 50 дан зиёд, хусусан, 47 та қўшма ва 4 та тўлиқ Беларусь капитали иштирокидаги корхона фаолият юритмоқда.

"МТЗ" ОАЖ билан саноат кооперацияси асосида Беларусь тракторлари ишлаб чиқараётган "ТҚХТЗ" АЖ, шунингдек, Беларусь компаниялари билан биргаликда йўл-қурилиш ва махсус техникалар етказиб бераётган "Амкадор-Агротехмаш" ҚК ва "Крантас" МЧЖ фаолияти самарали сармоявий ҳамкорликка мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ўзаро муносабатларнинг устувор соҳаларидаги амалий алоқаларни мувофиқлаштириш ва жадаллаштиришда самарали механизм ҳисобланади. Жорий йил июнь ойида Минск шаҳрида унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Икки республика ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам сезиларли равишда фаоллашди. Ўтган йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Беларусь ишбилармонлари ва ҳудудлараро ҳамкорлик форумида Тошкент ҳамда Минск Савдо-саноат палаталари, шунингдек, Тошкент ва Гомель вилоятлари ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Бинобарин, 2018 йилда Беларусь делегацияларининг мамлакатимизга бир қатор ташрифлари уюштирилиб, уларнинг якунлари бўйича Ўзбекистонда умумий қиймати 16 млн. долларлик қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича битим ҳамда меморандумлар имзоланди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик самарадорлигини жорий йилда икки мамлакат ишбилармонлари фаоллиги ҳам тасдиқлади. Чунончи, Ўзбекистон ҳудудлари вакиллари қўшма бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш ва тегишли келишувларга эришиш имкониятларини ўрганиш мақсадида Беларусь Республикаси вилоятларига ташриф буюрди. Ўз навбатида, Беларуснинг бешта ҳудуди бизнесменлари худди шу мақсад билан юртимизда бўлди. Мазкур сафарлар ишбилармонлик ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан самарали кечди.

Илмий-техникавий соҳа ва инновациялар эса ўзаро алоқаларнинг янги йўналишига айланди. 2018 йил сентябрь ойида илм-фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув уни ривожлантириш учун асос бўлди.

2019 йил апрель ойида Минскда Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Беларусь биринчи қўшма мажлиси ўтказилиши томонларнинг мазкур йўналишда самарали мулоқотни қатъий мақсад қилиб олганини яна бир бор намоён этди. Тадбир доирасида энергетика, тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли иқтисодиёт, аэрокосмос, робототехника, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, кимё, тоғ-кон саноати соҳаларида инновацион технологияларни қўллаш ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Қўшма мажлис якунида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги "Яшнобод" технопарки ва Беларусь Миллий техника университети қошидаги "Политехник" технопарки ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, икки мамлакат халқлари ўртасида анъанавий дўстлик ришталарига асосланган маданий-гуманитар алоқалар ўзаро самарали мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилади.

Юртимиздаги беларусь жамоатчилиги Ўзбекистонинг замонавий тараққиёти ва икки дўст халқ муносабатлари ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Уларнинг қадриятлари ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш мақсадида 1993 йилдан бери Тошкентда "Свитанак" Беларусь маданият маркази фаолият юритиб келяпти.

Икки давлат томонидан ташкил этиб келинаётган йирик халқаро фестивалларда мамлакатларимиз ижодий жамоаларининг иштироки орқали ҳам маданий мулоқот қўллаб-қувватланяпти. Улар орасида Ўзбекистондаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Беларусдаги Минск вокалчилар халқаро Рождество танлови ва Славян бозори алоҳида ўрин эгаллайди.

Беларусь Республикаси Президенти А. Лукашенконинг 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи чоғида Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазирликлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

2018 йил август ойида Тошкентда Беларусь адабиёти мумтоз вакили, ёзувчи Якуб Колас бюсти ўрнатилгани халқларимиз ўртасидаги дўстлик рамзидир. Ушбу адиб Иккинчи жаҳон уруши даврида пойтахтимизда яшаб, ижод қилган. Ўшанда Беларуснинг босиб олинган ҳудудидан Ўзбекистонга завод ва фабрикалар, кексалар, аёллар ва болалар кўчирилган эди.

Икки мамлакат маданият кунларини ўтказиш ҳам эзгу анъанага айланди. Жумладан, 2018 йил апрель ойида Тошкентда Беларусь маданият ва кино кунлари ташкил этилди. Ушбу тадбир дастури доирасида Беларусь кинематографистларининг фильмлари намойиш этилди, пойтахт театрлари ва концерт саройларида ижодий жамоалар томонидан чиқишлар қилинди. Ўзбекистон маданият ва санъати вакиллари иштирокидаги шу каби маданий тадбирни Беларусь Республикасида ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга бўлажак расмий ташрифи ва унинг якунлари кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш, икки давлат ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

1

Иккинчи сессия аграр соҳага бағишланди. Унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, ўсимликшунослик, селекция, чорвачилик, ветеринария соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Гуманитар, ахборот-коммуникация, илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда технопаркларни такомиллаштиришда тажриба алмашиш, ҳудудлараро инновацион ҳамкорликни кенгайтириш, туризм, таълимни рақамлаштириш каби истиқболли йўналишлар ҳақида фикр алмашилди.

Форум 30 июль куни ўз ишини давом эттиради.

Умуман, расмий ташриф арафасида ҳудудлар ва ишбилармонлар доирасидаги ҳамкорлик фаоллашаётганини таъкидлаш жоиз. Кеча Минскдаги «Бел-Экспо» миллий кўргазмалар марказида Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ҳам очилди.

Ушбу тадбир Беларусга Ўзбекистон саноати маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш, ушбу мамлакат бизнеси вакилларини юртимизнинг экспорт ва сармоявий салоҳияти билан кенг таништириш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ғаниев икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бораётганини, яқин истиқболда товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш учун барча имконият мавжуд эканини таъкидлади.

Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари Владимир Дворник ушбу тадбир 2018 йили Тошкентда ўтказилган Беларусь миллий кўргазмаси доирасида бошланган ишбилармонлик мулоқотининг мантиқий давоми эканини қайд этди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудидан машинасозлик, электротехника, қурилиш, тиббиёт ва фармацевтика, нефть кимёси, енгил саноат, ахборот технологиялари каби соҳаларга ихтисослаштирилган 80 корхона мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг туризм борасидаги имкониятлари тарғиботига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси 2 августга қадар меҳмонларни қабул қилади.

**ЎзА.**



# Сирдарё давлатлараро туташув пункти

## Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланишида қўл келади

1

— Сўнгги пайтларда икки мамлакат алоқалари янги босқичга кўтариляпти, — дейди "ҚТЖ — юк ташиш" акциядорлик жамиятининг "Чимкент юк ташиш" бўлинмаси филиали бош муҳандиси Сакен Амиров. — Бунда Президентларимиз ташаббускор бўлаётгани, хусусан, ўтган йили Қозоғистонда "Ўзбекистон йили", жорий йил эса Ўзбекистонда "Қозоғистон йили" деб эълон қилингани янги-янги имкониятларни юзага чиқараётгани билан диққатга сазовор. Мазкур пункт ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Чиндан ҳам, Сирдарё давлатлараро туташув пункти ҳар икки давлат учун ниҳоятда фойдали. Қолаверса, бу тадбиркорларимиз учун ҳам жуда қулай. Нега? Айтайлик, водий вилоятлари, Сирдарё ёки Жиззах ишбилармонлари Келес давлатлараро туташув пункти орқали Қозоғистон ёки бошқа давлатларга юк жўнатишмоқчи бўлса, қарийб 110 километр масофага вақт йўқотиши мумкин. Ушбу пунктда эса бу борйўғи 11 километрни ташкил этади, холос.

"Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонасининг юк ва тижорат ишлари бўлими бошлиғи Элбек Шамсиевнинг айтишича, мазкур пункт, аввало, ортиқча вақт ва харажатларнинг олдини олади. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг сархил ҳолатда ўз манзилига етказиб берилишида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун у зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган.

Мазкур пунктдан Сирдарё ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларига юклар жўнатилади ҳамда қабул қилинади.

Кеча-кундуз ишлайдиган пунктда кунига қўшимча 3 жуфт поездга хизмат кўрсатилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# Тез тиббий ёрдам машиналари ҳайдовчиларига қандай ҳолларда маъмурий чора кўрилмайди?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги амалий мулоқот ва таҳлиллари жараёнида тез тиббий ёрдам машиналари чақирув манзилига белгиланган муддатда етиб келиши, беморни шифохонага зудлик билан олиб боришига тўсиқ бўлаётган объектив сабаблар борлиги ҳам аниқланди.*
*Хўш, бу нималардан иборат?*

## Депутат минбари

Аввало, сўз тез тиббий ёрдам машиналари ҳайдовчиларининг махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд қилинган йўл ҳаракати қоидаларини (белгиланган тезликни ошириш, светофорнинг тақиқловчи чироғига бўйсунмасдан ўтиш ва ҳоказо) бузганлиги учун айрим ҳолатларда жавобгарликка тортилаётгани хусусида бормоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган ушбу маълумотлар таҳлил қилинганида, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали тез тиббий ёрдам хизмати ҳайдовчилари томонидан 2017 йилда 339 та шундай ҳолат содир қилингани аниқланган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 968 тани, 2019 йилнинг биринчи чорагида эса 350 тани ташкил этган.

Тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатиш мақсадида зудлик билан кетаётган ҳолда шундай қоидабузарлик содир этган, дея баҳоланган ҳуқуқбузарликлар учун 2017 йилда 16 нафар, 2018 йилда 110 нафар тез тиббий ёрдам ҳайдовчиси жарима тўлаган. 2019 йил 1 март ҳолатига кўра, 89 та шундай жараён билан боғлиқ ҳал этилмаган, муаммоли ҳолат сифатида баҳоланаётган ишлар мавжуд. Бу эса тез тиббий ёрдам автомашиналари ҳайдовчиларининг асосли эътирози ва норозилигига сабаб бўлмоқда. Тез тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлганда уларнинг светофорнинг тақиқланган чироғида кутиб туриши, тезликни белгиланган меъёрдан оширмасдан ҳаракатланиши оқибатида беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш имконияти пасаймоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйи палата депутатлари қонунчиликка ўзгартиш киритиш таклифи билан чиқди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, қонунларнинг тўғридан-тўғри амалиётга қўлланишини таъминлаш мақсадида қонунчиликка қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Депутатлар ташаббуси билан тайёрланган қонун лойиҳасига асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $17^1$-моддаси "Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали тезкор ва махсус хизмат транспорт воситалари ҳамда улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар қайд этилган ҳолларда ҳайдовчиларнинг кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади", деган мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Тўғри, тез тиббий ёрдам машиналарининг ҳайдовчилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан йўл ҳаракати қоидаларининг талабларидан четга чиқишлари мумкинлиги ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги буйруғи билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 45-бандида белгиланган бўлса-да, эндиликда бу норма қонун даражасида мустаҳкамланмоқда. Яъни айрим қонуности ҳужжатларидаги нормаларни қонунда акс эттириш орқали тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳуқуқий механизмлар амалиётга жорий этиляпти.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида тез тиббий ёрдам машиналари ҳайдовчиларининг иш самарадорлигини оширади. Энг асосийси, беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатилиб, уларни шифохонага етказишгача бўлган ўлим хавфининг олди олинади. Тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларининг асоссиз юридик жавобгарлигига барҳам берилади.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Яна 981 боғча керак

## Улар қачон қурилади?

*Бугунги кунда мамлакатимизда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 1,5 миллиондан ортиқ болалар мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмай қолмоқда. Айниқса, янги қурилаётган уйлар атрофида боғчаларга бўлган эҳтиёж ошиб боряпти. Айни кунда 981 маҳаллада мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишга эҳтиёж борлиги Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ҳисоботида алоҳида айтиб ўтилди.*

Қайд этилганидек, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олишни янада кенгайтириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда вазирлик тизимидаги 9 774 та мактабгача таълим муассасасида 1 миллион нафардан зиёд болаларга 81 мингдан ортиқ педагог ходимлар таълим ва тарбия бериб келяпти. Уларнинг аксарияти ёки 70 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлгани учун вазирлик томонидан болалар боғчаларини босқичма-босқич олий маълумотли кадрлар билан тўлдириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бакалавр босқичининг кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларига жами 6400 тадан зиёд квоталар ажратилди.

Шунингдек, мажлисда соҳага доир долзарб масалалар ҳамда вазирлик фаолиятини ўрганиш чоғида аниқланган хато ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Туманлардаги мактабгача таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларда замонавий шароитларни таъминлаш йўналишида йўл қўйилган камчиликлар ҳам сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, кўпгина муассасаларда ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш ва уларни интернет тармоғига улаш билан боғлиқ ишлар ўз ниҳоясига етмаган. Айниқса, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида мазкур топшириқ тўлиқ бажарилмаган.

Йиғилишда шу каби камчиликларни бартараф этиш ва бу борада давлат ҳамда нодавлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

# Барча учун бирдек муҳим масала

*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида давлат органлари томонидан гендер тенглиги бузилишига оид мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати муҳокама қилинди.*

Аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, эзгу мақсадларга эришишида, аввало, улар бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 24,7 минг нафар аёл, жумладан, таълим муассасаларини битирган қизлар, ёш болали аёллар, ёлғиз оналар ҳамда 14 ёшгача ва ногиронлиги бўлган фарзандлари бор опа-сингилларимиз махсус иш ўринларига ишга жойлаштирилган.

Беш муҳим ташаббус доирасида ҳудудларда ташкил этилаётган тикув-трикотаж корхоналари талабидан келиб чиқиб, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан рўйхати шакллантирилган 24 421 нафар ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизнинг 9 864 нафари ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларининг ўқув базасида қисқа муддатли ўқув курсларида касб-ҳунарга ўқитилди.

Шу билан бирга, ўрганишлар мазкур йўналишда айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Баъзи соҳаларда аёллар иштироки жуда кам. Транспорт, қурилиш, саноат каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Ўтказилган ўрганишлар давомида ишга қабул қилишда гендер тенглиги нуқтаи назардан 274 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган, улар, асосан, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларга тўғри келади. Бундан ташқари, иш ҳақи тўлаш бўйича аёлларнинг камситилишига оид қонунбузарлик ҳолатлари ҳам аниқланган.

Мажлисда сенаторлар меҳнат бозорида айрим гендер номутаносибликларини бартараф этиш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимиятларининг бошқарув ходимлари таркибида аёллар учун камида 30 фоиз миқдорида квота белгилаш, шунингдек, чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, касбларни аёллар ва эркаклар касбларига бўлишнинг эски тушунчаларини бартараф этишга қаратилган мақсадли ташвиқот ишларини аҳоли ўртасида ташкил қилиш бўйича таклифлар билдирди.

Мажлисда муҳокама этилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# 149 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг Президентимиз томонидан 2019 йил 27 майда имзоланган "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ижроси, шунингдек, мазкур йўналишдаги Давлат дастурининг Наманган вилоятида бажарилиши муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.*

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Наманган вилояти идоралараро комиссияси томонидан ҳудудда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳудудий давлат органлари ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бу йўналишдаги фаолиятни тизимли равишда ташкил этиш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳар биридан идоравий мувофиқлаштирувчи белгиланган.

Ушбу иллатга қарши туриш нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Эндиликда юртдошларимиз бу ҳақиқатни тушуниб етаётганини уларнинг мурожаатлари сони ошганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Наманган вилояти прокуратураси органларига 2018 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан 21 минг 822 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 13 минг 757 таси ҳал қилинган. 2 615 таси қаноатлантирилган ҳамда 1 394 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Хусусан, Наманган вилояти прокуратураси томонидан 2018 йил давомида 149 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, уларнинг барчаси судларга оширилган. Натижада давлат ва жамият манфаатларига етказилган 8 млрд. 812 млн. сўм миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланган.

Йиғилишда келгусидаги муҳим режалар белгилаб олинди. Порахўрлик, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар, умуман, коррупциянинг барча кўринишига барҳам беришда турли идора ва ташкилотлар ҳамда аҳоли орасида тарғибот ишлари самарадорлигини таъминлаш, мансабдорларнинг бу каби ҳуқуқбузарликлар учун масъулиятини кучайтириш лозимлиги уқтирилди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарининг "Аҳолига фтизиатрия ва пульмонология хизматини кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида"ги ахборотини эшитди.*

# Соҳа мутахассисларига эҳтиёж юқори

Аҳолига фтизиатрия ва пульмонология йўналишлари бўйича юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, силга қарши янги дори воситалари синовдан ўтказилиб, беморлар универсал даволаниш усули билан тўлиқ қамраб олинмоқда. Беморларга даволашнинг янги, самарадор, кам маблағ талаб қиладиган усуллари, яъни касалликнинг илк давридан бошлаб амбулатор даволаш, 24 ойлик даволаш усули ўрнига қисқартирилган 9 ойлик муолажа ва жарроҳлик амалиётининг замонавий усуллари ҳаётга тўла татбиқ этиляпти.

Ахборотда таъкидланганидек, сил касаллигига чалинган беморни 2 соат ичида аниқлаш имконини берадиган беш табақали лаборатория тизими йўлга қўйилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, латент сил билан оғриган шахсларни вақтида аниқлаш ва профилактика чораларини кўриш учун туберкулин диагностика йўлга қўйилган. Натижада 2018 йил якуни бўйича сил билан касалланиш 2017 йилдагига нисбатан 4,5 фоиз камайган.

Соҳада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, қилиниши лозим бўлган кўплаб вазифалар тургани, ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Масалан, жойлардаги тиббиёт муассасалари сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида қўлланиладиган туберкулин препарати билан тўлиқ таъминланмаган, ташкил этилган ҳудудлараро бактериологик лабораторияларнинг моддий-техника базаси ва штат меъёрлари бугунги кун талабига тўла жавоб бермайди. Ҳудудлардаги силга қарши муассасаларда соҳанинг тор йўналишдаги мутахассисларига эҳтиёж юқорилиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда жойларда фаолият юритаётган Референс лабораториялари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига юбориладиган бўлди. Соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий тавсиялар қўмитанинг тегишли қарорига киритилди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## Forbes: «Ўзбекистон ўзининг тарихдаги муносиб ўрнини қайтадан эгалламоқда»

←1

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбари мамлакатда изчил ўзгаришлар амалга оширилиши зарурлигини яхши билади. Бу йўналишдаги дастлабки қадамлар қўшни давлатлар билан чегара масалаларини тартибга солиш ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан ўзаро манфаатли тижорат шартномаларини имзолашдан бошланди.

Нашр Ўзбекистон етакчиси аҳоли билан маслаҳатлашиш, унинг мурожаатларига қулоқ тутиш ва таклифларини қабул қилиш учун мамлакат бўйлаб жамоатчилик қабулхоналарини очгани ҳақида хабар қилган. Бундан мақсад халқ билан барқарор мулоқот ўрнатиш, одамлар билан маслаҳатлашиш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Мақола муаллифи ўзбекистонлик тадбиркорлар билан суҳбатлашар экан, мамлакат иқтисодиёти йилига 5 фоиз ўсаётгани ҳамда мазкур суръат жадаллашаётганига ишонч ҳосил қилади. Бу жараёнда барқарор тараққиёт таъминланаётгани, турли нотинчликларга йўл қўйилмаётгани таъкидланади. Барча саъй-ҳаракат Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Мелик Кайлан мақоласига “қарийб ўттиз йилдан сўнг Ўзбекистон ўзининг тарихдаги муносиб ўрнини қайтадан эгалламоқда”, деган фикр билан якун ясаган.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# ХАЛҚ ҲАР ҚАНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИККА ЧИДАШИ МУМКИН, АММО АДОЛАТСИЗЛИККА ЧИДАЙ ОЛМАЙДИ

*Халқ қалбига қулоқ солиш, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаш ва муаммоларини ҳал қилиш бугунги ислоҳотлар моҳиятини ташкил этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклигини ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарурлигини қайта-қайта уқтирмоқда. Бугун раҳбарлар фаолиятига қуруқ иқтисодий рақамлар асосида эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот қилаётганлиги, муаммоларини қай даражада ҳал этаётганига қараб баҳо берилаётгани ва тегишли хулосалар чиқарилаётгани ҳам шундан.*

### Акс садо

Ўтган ҳафтада Урганч шаҳридаги Ашхобод маҳалласида аҳолининг тураржойлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниб, тегишли компенсация маблағлари ўз вақтида тўланмагани туфайли келиб чиққан зиддиятли вазият ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали узатилган хабарлар кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Бош вазир Абдулла Арипов маҳаллий ҳокимлик ва аҳоли ўртасида келиб чиққан ушбу тушунмовчиликни жойига чиқиб ўрганиш, таҳлил қилиш ва ижобий ҳал этиш учун зудлик билан Урганчга етиб келди. Сўнгра у иссиқ жойидан Чондирқиёт қишлоғига кўчирилган одамлар билан юзма-юз учрашди, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўришга топшириқлар берди.

Маълум бўлишича, янги жойга кўчирилган одамларнинг қўлида маблағ йўқлиги боис уйнинг пойдеворини ҳам кўтаролмай, қийин аҳволда қолган. Юртбошимизнинг бевосита эътиборидан сўнг бу ҳудудда қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Ундан ҳам муҳими, “Халқ манфаати ҳамма нарсадан устун”, деган тамойил яна бир бор ўз ҳаётий тасдиғини топди. Табиийки, бундан одамлар жуда мамнун. Биз улардан айримларининг фикрларига қулоқ тутдик.

**Баҳодир ИШМУРОДОВ, меҳнат фахрийси:**

— Юртбошимизнинг “Халқ ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди” деган ҳаёт синовидан ўтган гапи бор. Дарҳақиқат, маҳаллий ҳокимликнинг аҳоли мурожаатларига эътиборсизлиги, халқ ичига кириб бориб, муаммоларини ҳал қилишдан қочиши одамлар норозилигига сабаб бўлди. Бош вазир ташрифидан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари маҳалладаги ҳар бир хонадон вакили билан учрашиб, муаммоларни тезликда ҳал этмоқда. Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, темир йўл соҳасида 43 йил ишлаб, пенсияга чиқдим. Бир эски ҳовлида 18 киши яшаб келаётгандик. Адолат қарор топди: уч нафар ўғлимнинг ҳар бирига уй қуриш учун алоҳида ер ажратилди. Бузилган тураржойимиз учун компенсацияни тўлиқ олдик. Олдин мазкур маблағнинг ўн фоизи ушлаб қолинади, дейишаётганди. Энди бу бекор бўлди. Икки набирамнинг ногиронлиги бор. Уларга ҳам қўшимча ер ажратишни ваъда қилишди. Шунингдек, уй-жой қуриш учун цемент ва шағални бозор нархидан 10 фоиз арзон оладиган бўлдик, қум бепул беріляпти. Энди хотиржаммиз, ташвишга ўрин йўқ.

**Шерзод ТОЖИЕВ, маҳалла фаоли:**

— Дунёнинг турли минтақаларида халқнинг норозилик намойишлари куч билан бостириб келинаётганини оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб борамиз. Одамлар арзига қулоқ солиш ўрнига, уларнинг ҳуқуқини поймол этиш, таҳдид ва қўрқув воситасида ушлаб туришга уриниш кўпинча жиддий оқибатларга олиб келиши тарихдан аён. Таъкидламоқчи бўлганим, Ашхобод маҳалласи аҳолиси жамоат тартибини бузиб, катта магистраль йўлни тўсиб қўйганда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан аҳолига нисбатан мутлақо куч ишлатилмади. Ҳукумат халқ билан мулоқот йўлини танлади ва муаммо тинч йўл билан ҳал этилди. Одамлар тушунади, сабр қилади, фақат уларни алдамаслик керак. Агар маҳаллий раҳбарлар олдин шундай йўл тутганида, бундай нохуш ҳолат рўй бермасди.

**Жумабой РАҲИМОВ, меҳнат фахрийси:**

— Маҳалламиздаги уйлар бундан 50 — 60 йил олдин қурилган, ниҳоятда эскирган, аксарияти яшаш учун яроқсиз аҳволга тушиб қолган эди. Биз маҳалланинг кўчирилишига қарши эмасмиз, ахир янги, обод хонадонда яшаш бизнинг ҳам орзуимиз. Бузилган ҳовлида уч келин, невaралар, жами 16 киши яшаб келаётгандик. Тўрт нафар ўғлимга 4 та ер участкаси берилди. Компенсация пулини олиб, мана, қурилишни бошлаб юбордик.

Янги барпо этилаётган маҳалла ҳудудида аҳолини озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш учун савдо шохобчаси ташкил қилингани яхши бўлди. Тиббиёт пунктида шифокорлар аёллар, болалар ва кексалар саломатлигидан хабардор бўлиб туришибди. Арзон нархда қурилиш материаллари ва техника воситалари таъминоти йўлга қўйилди.

Ҳозир бу ерда одамларнинг кайфияти баланд. Қўни-қўшни бир-бирига, “ҳорманг, бор бўлинг”, дея янги иморатларни пишиқ-пухта қилиб тикламоқда. Уларнинг қалбида бир мақсад мужассам — ҳудудни обод қилиш ҳамда сўлим масканга айлантириш.

**Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).**

# «Юртимиз неъматларига Жанубий Осиё бозорларида талаб юқори»

←1

Ўтган йили Покистонга мамлакатимиз экспорти ҳажми 220 фоиз ўсиб, 32,4 млн. АҚШ долларини ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Ваҳолонки, мазкур кўрсаткич 2017 йилда 10 млн. АҚШ долларига тенг бўлган, холос. Ўз навбатида, 2018 йилда Покистон билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам 190 фоиз ўсиб, 98,4 млн. АҚШ долларига етганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Юртимизда кейинги икки-уч йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар ташкил қилишга алоҳида киришилганидан барчамиз яхши хабардормиз. Бундай эзгу ташаббус фермер хўжаликлари фаолиятининг кучайишига туртки бериши баробарида, юқори сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини катта миқдорда экспорт қилишга имконият яратяпти. Масалан, Покистон бозорларида Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларга талаб тобора ортмоқда. Бунинг натижасида 2018 йилда ушбу мамлакатга 22,2 млн. АҚШ долларилик, яъни 30 минг тонна мева-сабзавот сотилди. Қолаверса, Покистон мамлакатимиздан мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилувчи йирик давлатлар ўнталиги (7-ўрин)дан жой олди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада кенгайтириш мақсадида 2018-2019 йилларда юртимизда Покистон иштирокида 20 дан ортиқ савдо компаниялари ва агрофирмалар ташкил қилинди. Ҳозир улар Ўзбекистон мева-сабзавотларини Жанубий Осиё мамлакатларига етказиш, шунингдек, Покистоннинг Карачи порти орқали Форс кўрфазига олиб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Жорий йилнинг беш ойи якунларига кўра, Ўзбекистон ва Покистон савдо айланмасида экспорт ҳажми 363 фоиз ўсиши ҳамда импортнинг 45 фоиз қисқариши кузатилди. Чунончи, жорий йил январь — май ойларида экспорт 25 млн. АҚШ долларини (2018 йилда — 9,8 миллион доллар) ва импорт 14 миллион АҚШ доллари (2018 йилда — 37 млн. доллар)ни ташкил қилгани эътиборга молик.

2019 йилда ҳам мамлакатимизнинг Покистонга асосий экспорт номенклатураси мева-сабзавот товарлари бўлиб турибди. Шу йилнинг январ — май ойларида Ўзбекистондан Покистонга 17 минг тонна, яъни 19,7 млн. АҚШ доллари қийматида шундай маҳсулотлар экспорт қилинди. Мош, нўхат, ловия каби дуккакли маҳсулотлар ҳамда гилос, олма, ўрик каби ҳўл ва қуритилган мевалар, қулупнай, қалампир, помидор, қовун сингари сабзавоту полиз неъматлари Покистон бозорларида энг харидоргир бўлмоқда.

Бундан ташқари, ушбу мамлакатнинг истеъмол бозори Ўзбекистонда етиштирилган дуккакли маҳсулотларни олий сифат белгиси, деб қабул қилаётир ва заминимизда пишиб-етилган неъматлар Эрон, Канада, Мьянма ва Австралиядан келтириладиган шундай товарлар билан тўлиқ рақобатлашмоқда. Покистонлик истеъмолчиларнинг фикрига кўра, республикамиз мевалари бетакрор мазаси, турли дармондорилар, хусусан, темир моддасига бойлиги билан ажралиб туради.

Қисқача айтганда, бундан кейин ҳам заминимиз неъматларига нафақат Покистон, балки бутун Жанубий Осиё давлатлари бозорларида талаб юқори бўлади. Зеро, қуёш нурига тўйинган, бободеҳқонларимиз меҳри билан озиқланган сархил мева-сабзавотларимиз нафақат дастурхонларга ўзгача кўрк ва файзу барака бахш этади, балки инсон руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

### Тараддуд

*Жорий йилнинг 26 — 30 август кунлари Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.*

*Президентимизнинг 2019 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ, ушбу нуфузли анжуманга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.*

# Самарқандда яна «Шарқ тароналари» жаранглайди

Мазкур халқаро мусиқа фестивалидан кўзланган асосий мақсад халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, Шарқ мусиқа санъатини ривожлантириш ва унинг аҳамиятини янада ошириш, соҳа вакиллари ўртасида илмий ва ижодий мулоқотлар, ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришдан иборат.

Фестивалнинг очилиш маросимида ЮНЕСКО бош директори Одрэ Азуле хоним ҳам қатнашиши билдирилган.

Тадбир доирасида 27-28 август кунлари “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

“Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг бу йилги дастурига бир қанча янгиликлар киритилган. Жумладан, тадбир доирасида мусиқий жамоаларнинг чиқишлари, соҳанинг етук вакиллари, жаҳон даражасида тан олинган мусиқа мутахассислари билан бир-биридан қизиқарли учрашувлар, тақдимотлар ва давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунга келиб, мазкур санъат байрамига тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда. Регистон майдонидаги асосий саҳнанинг монтаж ишлари якунланган, томошабинлар жойлашадиган амфитеатрда жиҳозлаш ишлари олиб борилаётир. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, фестиваль бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев бошчилигида очилиш маросимини ўзига хос тарзда ташкил қилишга қаратилган ишлар давом этмоқда. Унда энг истеъдодли хонанда ва созандалар, миллий симфоник оркестр ҳамда рақс жамоалари қатнашади.

Дастурдан халқимиз мусиқа ва қўшиқчилик анъаналарининг энг нодир намуналари, мақом ҳамда фольклор қўшиқлари ўрин олган. Мусиқий асарлар Шарқ ва Ғарб чолғу асбоблари ҳамоҳанглигида яратилмоқда.

Бу йилги анжуманга 80 га яқин давлатлардан хонанда ҳамда созандалар, бадиий жамоа ва ансамбллар, санъатшунос ҳамда мусиқашунослар иштирок этиши кутиляпти. Улар орасида илк бор фестивалга ташриф буюрувчи давлатлар ҳам мавжуд.

**«Халқ сўзи».**

# ЭНГ БИЛИМДОНЛАР ТАЛАБАГА АЙЛАНАДИ

**Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест имтиҳонлари бошланди.**

←1

Шуни таъкидлаш керакки, институт ва университетларга қабул квоталари ошгани сари ёшларнинг ҳам олий маълумотли етук кадрлар бўлишга иштиёқи кучайиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили мамлакатимиздаги жами 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 19 та филиалига 675 минг 49 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, бу йил 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 30 филиалига кириш учун 1 миллион 66 минг 925 абитуриент рўйхатдан ўтган.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма мажмуасида ўтаётган имтиҳон жараёнларини кузатдик. Павильонларга абитуриентлар шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар орқали киритилди ҳамда тест синови видеокузатув мосламаларига ёзиб олинди.

Мажмуада мутасадди ташкилотлар ходимлари томонидан тест синовларининг тартибли, юқори савияда, белгиланган талаб ва меъёрларга риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилган. Белгиланган павильонлар барча жиҳоз ва ускуналар, ўқув воситалари билан таъминланиб, шай ҳолатга келтирилган.

Абитуриентлар тест варақларидан бош кўтармайди. Кузатувчилар уларнинг ҳаракатини назорат қилиб бормоқда. Ҳар бир фандан 30 та саволнинг тўғри жавобини белгилаш учун абитуриентга 3 соат вақт ажратилган.

Халқимизга янада қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида Call-center ташкил этилган. Юртдошларимиз 11-95 қисқа рақамига мурожаат қилиш орқали қабул жараёнлари, тест синовлари ва Давлат тест маркази фаолияти билан боғлиқ барча саволга жавоб олишлари мумкин.



**2019/2020** ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларига асосан, жорий ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълим шаклига **80 430 нафар**, сиртқи таълим шаклига **19 985 нафар**, кечки таълим шаклига **1 985 нафар** талаба **қабул қилинади.**

Тест синовларини топшириб, бино ташқарисига чиққан абитуриентлардан жараёнларнинг қандай кечганини сўрадик.

— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг меҳнат таълими факультетига ҳужжат топширганман, — дейди янгийўллик Шоира Абдураҳмонова. — Имтиҳон кўнглимдагидек ўтди. Барча саволни ечиб чиқяпман. Ўтган йили ҳам топширгандим. Лекин омадим чопмаганди. Бу йил қандайдир кўнглим равшан тортган. Балки бу ўз билимимга ишонч ҳисси ёки бинога киришдан тортиб тест ўтаётган жараёнларда шаффофликка алоҳида эътибор билан қаралгани боис натижаларнинг адолатли бўлишига умиддир.

Имтиҳонлар ҳар куни икки сменада — эрталаб 8:00 ва тушдан сўнг 15:00 да ташкил қилиняпти.

Таъкидлаш жоизки, абитуриентлар ўзи тўплаган балини Давлат тест маркази расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали эртаси куниёқ билиши мумкин, аммо уларнинг талаба бўлган-бўлмагани тест синовлари тўлиқ якунлангач, ойдинлашади.

**Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

### Фестивалда отишма юз берди

*АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган “Gilroy Garlic” таомлар фестивалида отишма юз берди.*




Бу ҳақда “NBC” телеканали тез тиббий ёрдам хизмати маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Манбага кўра, фожиа оқибатида 11 нафар одам тан жароҳати олган. Уларнинг аҳволи оғирлиги айтилмоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, улардан уч нафари ҳаётдан кўз юмган. Лекин бу жабрланганлар ҳақида якуний маълумот эмас, дейилади хабарда.

Гувоҳлар, одамларни йигирма ёш атрофида бўлган йигит ўққа тутганини айтишган. Воқеа жойида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда махсус хизмат ходимлари иш олиб бормоқда.

### Томонлар келишолмаяпти

*Минглаб одамлар Италиянинг Турин шаҳридан унча узоқда бўлмаган Венаус коммунасида норозилик намойишига чиқишди.*



“Евроньюс” телеканали хабарига кўра, улар Турин — Лион (Франция) темир йўли қурилишига қаршилигини билдириш мақсадида шу йўлни тутишган. Гап шундаки, Италия Бош вазири Жузеппе Конте ана шу лойиҳани амалга ошириш учун розилик берган. Унинг тарафдорлари мазкур магистраль мамлакат инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилишини уқтиришмоқда. Норозилик намойиши иштирокчилари фикрича, Италияда поездлар ҳаракати бор қуввати билан ишламай турган ҳозирги вақтда лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши жуда катта миқдордаги маблағни ҳавога совуришга олиб келади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, мазкур темир йўл қурилишини Жузеппе Конте таркибида бўлган “Лига” коалицияси қўллаб-қувватламоқда. Инфраструктура вазири Данило Тонинелли ҳамда “5 юлдуз ҳаракати” альянси тарафдорлари эса бунга қарши чиқишмоқда.

### Иссиқ ҳарорат таъсири

*Иссиқ ҳарорат Европанинг бир қатор мамлакатларида табиий офатларни келтириб чиқармоқда.*



Жумладан, жазирама қитъадаги айрим дарё ва кўлларда сув сатҳи кескин пасайишига олиб келган. Масалан, Германиянинг Ганновер шаҳридаги кўллардан бири деярли қуриб қолган. Бу ерда сув ҳавзаси ўрнида ўлик балиқлар қолган, холос. Атроф-муҳит ҳимоячилари муаммони бартараф этиш мақсадида балиқларни суви кўпроқ ҳавзаларга олиб ўтишга ҳаракат қилишмоқда.

Иқлимшунослар яқин йилларда бундай иссиқ ҳарорат кузатилиши одатий ҳолга айланиши мумкинлигини таъкидлашяпти. Бу, ўз навбатида, табиий ландшафтларнинг ўзгариб кетишига сабаб бўлиши муқаррар.

Россияда эса аксинча, Иркутск вилоятида дарё суви сатҳининг кўтарилиши оқибатида мингдан зиёд аҳоли вакиллари эвакуация қилинган. Мутахассислар фикрича, ушбу вилоят ҳудудидан ўтувчи Ия ва Тулун дарёларида сув сатҳи кўтарилишда давом этиши мумкин.

### Сув ўрнини босувчи сабзавот

*Бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар бодрингнинг барча фойдали хусусияти ҳақидаги маълумотларни омма эътиборига ҳавола этишди.*



Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, ушбу сабзавот иссиқда сув ўрнини боса олади. Шарбати аспирин таблеткаси аналоги бўлиши мумкин.

“Бодринг диэтаси” эса энг фойдалисидир. У суяклар заифлашишининг олдини олади ҳамда юрак-қон томир тизими ишини яхшилайди.

Яна бир эътиборли жиҳати, бодринг таркибидаги тритерпен моддаси саратон пайдо бўлишининг олдини олар экан.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УМРА АМАЛИНИ АДО ЭТДИЛАР



**“Халқ сўзи” махсус мухбири Саид РАҲМОНОВ Саудия Арабистонининг Макка шаҳридан хабар қилади.**

## «Ҳаж — 2019»

Мадинаи мунаввара зиёратини тамомлаган ўзбекистонлик зиёратчилар Макка шаҳрида иззат-икром ила кутиб олинди.

Муқаддас икки шаҳарнинг ораси 460 километрни ташкил этади. Ушбу масофа автобусда ўртача тезликда 5-6 соатда босиб ўтилади. Аммо эҳром боғлаб “Зул-Ҳулайфа” масжидида умрага ният қилган ибодатчилар йўл олислигини сезишмади ҳам.

Макка — Саудия Арабистонининг ғарбида жойлашган бўлиб, атрофини тоғлар қуршаб олган гўзал шаҳар. Айни пайтдаги ҳарорат билан юртимиздаги об-ҳаво ўртасида катта фарқ сезилмайди. Буни юртдошларимизнинг деярли барчаси таъкидлашмоқда. Улар шаҳардаги энг кўркам меҳмонхоналардан бири — “Аброж ал-Ҳидоя”да жойлашдилар.

25 қаватли меҳмонхонадан шаҳар кафтдек кўринади. Айниқса, юқори қаватига чиқсангиз, атрофнинг гўзаллигига боқиб тўймайсиз. Дастлаб эътиборингизни бир-биридан баланд бинолар тортади. Назаримизда, уларга осмонўпар таърифидан кўра, “қояларга бўйлашган иморатлар” ташбеҳи кўпроқ мос тушади. Зеро, маҳаллий аҳоли айтганидек, маккаликлар тоғларни талқон қилишнинг уддасидан ҳам чиқади.

Дарҳақиқат, шаҳарда ер ресурслари чеклангани янги имкониятларни ишга солиш, аниқроғи, тоғларни ўзлаштиришга ундамоқда. Инсон қўли, сангтарошлик маҳорати ила баланд қоялар ўрнида маҳобатли иморатлар қад ростлаяпти. Бу жараён бир зум бўлса-да, тўхтагани йўқ. Чўққи устида ишлаётган экскаваторларни кўриб, ақлингиз шошади. Уларга бас-ма-бас равишда бир маромда ҳаракатланаётган кранларга қарасангиз, бошингиздаги дўппингиз тушиб кетади.

Янги объектларнинг аксариятини меҳмонхоналар ташкил этади. Бироқ айни ҳаж мавсумида бўш номерларни топиш қийин. Ўзбекистон томони ҳамкорлик қилаётган ширкатлар тақдим этган меҳмонхона хизматларидан барча бирдек мамнун.

— Ўн нафар болани тарбиялаб вояга етказдим, — дейди тўқсон ёшнинг остонасида турган чинозлик Саври ая Розиқова. — Аллоҳга шукр, уларнинг ҳаммаси ўзидан тинган. Ҳозир тўрттаси пенсияга чиқиб, қарилик гаштини суряпти. Фарзандлар роҳатини кўришдан ортиқ бахт йўқ она учун. Барака топишсин, меҳмонхонадагилар ҳам худди ўз боламиздек ғамхўрлик қиляпти. Ҳамма шароит бор. Ошхонада ўзбекистонлик ошпазлар ширин таомлар тайёрлаб беришмоқда. Шифокорлар бўлса, ҳолимиздан хабар олиб турибди. Лекин, очиғини айтсам, ҳажга келиб, ўзимни яшаргандек, тетик ҳис қиляпман.

“Аброж ал-Ҳидоя” меҳмонхонасидан Каъбатуллоҳга автобус қатнови йўлга қўйилган. Транспортлар икки тарафга узлуксиз, 24 соат давомида ҳаракатланади.

Зиёратчилар гуруҳ раҳбарлари ҳамроҳлигида Масжидул Ҳарамга йўл олишди.

Ҳарам инсоният, маданият ўчоғи, ҳар қандай ёмонлик, ҳаққа тажовуз тақиқланган муқаддас жойдир. Унинг қоқ марказида илк ибодат маскани — Каъбаи муаззама жойлашган. Муқаддас китобларда келтирилишича, у Аллоҳнинг уйидир. Бу ерга келган, шу жойдан паноҳ топган мўмин-мусулмонлар эса унинг меҳмонидир.

— Яратганга минг қатла шукр, унинг байтини зиёрат қилиш, Каъбани тавоф этишга муяссар бўлдим, — дейди қўқонлик фахрий педагог Муҳиддин Қаландаров. — Ёшим 78 да. Ибодат аввалида ички ҳадик катта эди. Сабаби, кейинги 2-3 йилдан буён оёқларим оғрий бошлади. Буни қарангки, Парвардигорнинг инояти, меҳрибонлиги бўлдими, ўша оғриқдан асар қолмади. Ишонасизми, Каъбани ҳеч кимнинг кўмагисиз етти марта айланиб, тавоф қилдим...

Отахоннинг кўзларидан шукрона ёшлари дув-дув тўкилади. Тўлқинланганча, Сафо тепалигига чиқиб, Марва ўртасида саъй қилгани, замзам сувидан қониб-қониб ичгач, қушдек енгил бўлгани ҳақида гапиради.

Дарвоқе, ҳадисларда келтирилишича, замзам қорни очга таом, касалга шифодир. Яъни у нима ният билан ичилса, албатта, унга эришилар экан. Яна кўплаб диний ва илмий манбаларга қараганда, замзам Ер юзидаги энг яхши, энг покиза сув ҳисобланади. Унинг таркиби ҳеч қачон ўзгармаган, йиллар давомида сақланса ҳам, таъми бузилмаган. Бу сувнинг яна бир мўъжизавий хусусияти тугамаслигидир.

Айни пайтда Марва тепалиги остида замзамни тўплайдиган ва уни совитадиган марказ ташкил этилган. Совитиш учун эса унинг ўзидан қилинган муз қўшилади, холос. Хоҳловчилар замзамнинг совитилмаганидан ичиши учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган.

Умрани бажариб бўлган зиёратчиларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, замзам сувини ичгач, чарчоқлари унут бўлгани, ўзларини тетик ҳис қила бошлаганини айтишади.

Ҳа, Макка — Аллоҳ назари тушган, Ўзи азиз қилган муқаддас манзил. Бинобарин, ҳазрати Одам алайҳиссалом Момо Ҳавони шу ерда топди, улар йўқотган жаннатга шу ерда етишдилар. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом, у зотнинг завжалари Ҳожар она ва ўғиллари Исмоил шу ерда Аллоҳнинг оғир синовидан шараф билан ўтдилар. Охирги замон пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) инсониятга қаратилган сўнгги илоҳий хитобни шу ерда қабул қилдилар...

Умрани бажарган ўзбекистонлик зиёратчилар Зулҳижжа ойининг саккизинчи тунига қадар, яъни ёлғон арафагача Каъбани тавоф қилиб, тоат-ибодатда, халқимиз, юртимиз ҳақига дуода бўладилар.

## ИННОВАЦИЯ янгиликлари



# Ёш техниклар маҳорати

*Тошкент шаҳрида техника соҳасида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида илк бор “Youth Techno Art — 2019” болаларнинг техник ижодкорлиги халқаро фестиваль-танлови ўтказилди.*

Унда Иордания, Арманистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан жами 30 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этди.

Ёш ижодкорлар авиа-ракетамодель, робототехника, радиотехника, электроника ва алоқа йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намойиш қилишди. Шунингдек, уларнинг ушбу ишлари назарий ҳамда амалий шартлар асосида баҳолаб борилди.

Якунда “Youth Techno Art — 2019” халқаро фестиваль-танлови ғолиблари ва совриндорларига сертификатлар ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

# Японияликлар шўр тупроқда ўсувчи саксовул уруғларини намойиш қилишди

*Инновацион ривожланиш вазирлиги мутасаддилари Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида минтақа олимларининг тараққиётга йўналтирилган тадқиқот ишлари билан яқиндан танишди.*

Хусусан, Халқаро Оролбўйи инновация маркази қошидаги “Мўйноқ” илмий-ишлаб чиқариш участкасида япониялик мутахассислар томонидан ёпиқ илдизли тизимда қурғоқчил ва шўрланган тупроқда ўсимликлар етиштириш технологияси бўйича блок-инкубаторларга экилган саксовул уруғлари намойиши мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Марказнинг “Саманбай” илмий-ишлаб чиқариш участкасидаги ёмғир чувалчанги кўпайтирилиши ва маҳаллий шароитга мослаштирилиши учун ажратилган тажриба майдони ҳам шундай истиқболли лойиҳалар сирасидан.

Қорақалпоқ давлат университетида олимлар ва докторантлар билан учрашувда уларнинг илм-фан соҳасидаги таклифлари тингланди.

Шунингдек, мутахассислар Беруний туманида ишга туширилиши режалаштирилган дистанцион, Мўйноқда қад ростлаётган телемедицинага асосланган инновацион клиникалар бинолари қурилиши жараёнини кўздан кечирдилар. Телемедицина соғлиқни сақлаш соҳасида бугунги кунда энг тез суръатлар билан ўсиб бораётган сегмент бўлиб, компьютер ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тиббий маълумотлар алмашинуви имкониятини яратади.

**Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
















Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6